

## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-515-519>

**Улуғбек Мамадалиев**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

Ахборот хизмати раҳбари

Тел.-94.921-20-20

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада ҳуқуқий давлатнинг фалсафий мазмун-моҳияти, унинг вужудга келиши ва ривожланишидаги шарт-шароитлар, шунингдек, қонун устуворлиги давлат ва фуқаролик жамиятининг мавжудлиги тамойиллари эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.*

*Ҳуқуқий давлат - қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига мос келадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган давлат шаклидир.*

***Калит сўзлар:** ҳуқуқ, ҳуқуқий ислоҳотлар, давлат, ҳуқуқий давлат, дунёвий давлат, қонун устуворлиги, миллий менталитет, умуминсоний қадрият, фуқаро, жамият, эркинлик, фуқаролик жамияти.*

## ПРАВОВОЕ ГОСУДАРСТВО И ЕГО ОСОБЕННОСТИ

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье научно обоснована философская сущность правового государства, а также раскрыты условия его возникновения и развития, принципы правового государства, существования государства и гражданского общества.*

*Правовое государство – это форма государственного правительства, правовое государство связано с правопорядком, с деятельностью и устройством которого находятся в соответствии с волей народа, обеспечивая права и свободы человека и гражданина.*

***Ключевые слова:** право, правовая реформа, государство, правовое государство, светское государство, национальный менталитет, общечеловеческая ценность, гражданин, общество, свобода, гражданское общество.*

## LEGAL STATE AND ITS FEATURES

### ABSTRACT

*In this article, the philosophical essence of the rule of law is scientifically substantiated, as well as the conditions for its emergence and development, the principles of the rule of law, the existence of the state and civil society.*

*The rule of law is a form of state government, the rule of law is associated with the rule of law, with the activities and structure of which are in accordance with the will of the people, ensuring the rights and freedoms of man and citizen.*

**Keywords:** law, legal reform, state, rule of law, secular state, rule of law, national mentality, universal value, citizen, society, freedom, civil society.

### КИРИШ

Замонавий даврда демократик давлат қурилишининг ривожланиши жаҳон ҳуқуқий маконига интеграциялашув, илғор ва мослашувчан ҳуқуқий механизмларни яратиш ва қўллашга боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳуқуқ тизими демократик тамойиллар асосида тўлиқ қайта қурилиб, изчил суд-ҳуқуқ ислохотларига асос солинди. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда” [1;1].

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Конституциямизга кўра, Ўзбекистон давлати демократик, ҳуқуқий, дунёвий, унитар республикадир. Бу тўрт тушунча мамлакат ҳуқуқий тизими, бошқарув шакли, инсон ва фуқаролар эркинликлари ҳақида дастлабки ҳулосани пайдо қилади. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”да инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш ҳамда мамлакатда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш ва бошқалар устувор вазифа сифатида белгиланган[2;1].

Ўзбекистонда сиёсий ҳокимият халққа тегишли. Бу тизим демократик тизим деб аталади. Демократия халқ ҳокимияти ва сиёсий ирода халққа

тегишли бўлган сиёсий тизимни англатади. Бу ўзгармас хусусиятлар Ўзбекистон Республикасининг дунёвий ва ҳуқуқий давлат эканлигини англатади. Булар жуда муҳим хусусиятлар ва унинг миллат манфаатларини энг яхши ҳимоя қиладиган тузилмага эга эканлигидан далолат беради.

Ҳуқуқ фалсафасига кўра, ҳар қандай давлат қонунчилигидаги тақиқлар, чеклашлар ва масъулиятни белгиловчи нормалар давлатнинг тоталитар, авторитар ёки демократик давлат эканлигини белгиловчи асосий мезон саналади. Қонунчиликнинг замонавийлиги унинг ёши билан ўлчанмайди. Масалан, Англияда Конституция йўқ, унинг айрим қонунлари ҳатто ўрта асрларга тегишли, аммо мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари баъзи конституциявий давлатларга қараганда аниқроқ ва самаралироқ ҳимояланган.

Ҳуқуқий давлат мамлакат фуқароларининг эркин ва фаравон ҳаёт тарзи таъмин этилган адолатли жамиятдир. Унда махсус мувозанат тизими ҳокимият тармоқлари томонидан қонун билан белгиланган нормаларнинг бузилишига йўл қўймайди, уларнинг ваколатларини чеклайди. Ҳуқуқий давлатда ҳокимият тузилмалари ва шахс ўртасида ўзаро жавобгарлик мавжуд. Барча даражадаги раҳбарлар ва мамлакат фуқаролари ўртасидаги ҳар қандай муносабатлар қонун устуворлигини тан олишга асосланади. Қонун талаблари билан белгиланмаган тартибда шахсга нисбатан ҳар қандай таъсир ўтказиш фуқаро эркинликларини бузиш ҳисобланади. Ўз навбатида, фуқаро ҳам давлат идораларининг қонуний талабларини ҳисобга олиши шарт. Қонун устуворлиги фуқаролардан фақат аниқ ҳуқуқий асосда ҳаракат қилишни талаб қилиши мумкин. Мисол учун, конституциявий бурч ҳисобланган солиқ тўловларини олиш мумкин. Давлатнинг қонуний талабларини бузганлик учун жазо чоралари қўлланилади.

Ҳуқуқий демократик давлатда конституциявий қонунлар ҳуқуқий асос сифатида жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солади. Бундай давлатда ҳеч бир мансабдор шахс, жамоат ташкилоти, ҳеч бир инсон қонунни буза олмайди. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглиги, давлат-ҳуқуқий муносабатлари ўзаро боғлиқ бўлган ушбу турдаги демократик давлатнинг асосий мақсади барча соҳаларда ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, барча учун ягона ва мажбурий қонидани таъминлаш, суверен ва ягона давлат яратиш, қонуний сайланган ҳукуматни шакллантиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асосини ўз-ўзини тартибга солувчи фуқаролик жамияти ташкил этади. Бундай турдаги давлатнинг негизида инсон омили ётади. Ижтимоий институтлар орқали фуқароларнинг ижодий имкониятлари, плюрализм, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланади.

Барқарорлик ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий асосларини янада мустаҳкамлайди. Қонун устуворлигининг ахлоқий асосини тенглик, эркинлик, адолат ва инсонпарварлик каби умуминсоний қадриятлар ташкил қилади. Бу қадриятлар давлат бошқаруви, одил судлов ва суд ҳокимиятининг давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларда, турли диний қарашларга ёндашувларда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий давлат юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай масала ва қарама-қаршиликлар ҳуқуқий нормалар асосида ҳал этилишини назарда тутди. Қонун-қоидалар мамлакатда истисно ва чекловларсиз қатъий амал қилади. Маҳаллий даражада қабул қилинган қоидалар конституциявий нормаларга зид бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши олий қадриятга айланади. Ҳуқуқий давлат устуворлигининг мураккаб тизимида фуқаро манфаатлари, эркинлик ва мустақиллик ҳуқуқи етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, кимнингдир эркинлиги бошқа фуқароларнинг манфаатларига дахл қилмаслиги ва жамият манфаатларига зид бўлмаслиги шарт.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан бири фуқаро ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги тамойилини белгилаш ва таъминлашдир. Назарияга кўра, бу тамойилга фуқаролар ҳам, давлат ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқий давлатнинг қарор топиши ва амал қилишининг муҳим шарти сифатида фуқаролик жамиятини ҳам қайд этиш лозим. Ўзининг асосий вазифасини (инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш) амалга ошириш учун қонун устуворлиги инсоннинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган тартиблар, механизмлар ва институтлар тизими билан ўзаро алоқадор бўлиши керак.

## ХУЛОСА

Ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Фуқароларнинг эркинликларига давлатнинг аралашуви номақбул ва ноқонуний деб тан олинади. Қонун устуворлигини шакллантириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг максимал даражада кафолатланиши, давлатнинг фуқаро олдидаги ва фуқаронинг давлат олдидаги масъулияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали фаолияти билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти мамлакат қонунларига риоя қилади. Фуқаролик жамияти давлатга боғлиқ эмас, балки у билан ўз мақсади сари “ўзаро ҳамжиҳатликда” фаолият юритади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиши давлатнинг ривожланиши демак ва бундай уйғунлик сиёсий тизимнинг ривожланишидир. Айнан ривожланган сиёсий тизим давлатнинг

фуқаролик жамиятига аралашувининг олдини олади. Давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ислохотлар билан бир қаторда ҳуқуқий ислохотлар ҳам демократик давлат қуришнинг устувор тамойилларидан бири ҳисобланади. Зотан, қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим шартдир.

“Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий кадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз. Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий кадрият даражасига кўтарди” [3;221].

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий демократик давлат - қонун устувор бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасини ифодалайдиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган давлат шаклидир.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 6.12.2016.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.
3. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони. Ўқув-услубий мажмуа / Муаллифлар жамоаси: Қ.Қ.Қуронбоев, Х.Т.Азизов, М.Б.Бекмуродов ва бошқ. – Тошкент, 2020 й. – 221 б.